



Нарпай туманида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки томонидан "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доира-сида касб-хунар таълими муассасалари-ни битираётган ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик-ларини йўлга қўйишига кўмаклашишга бағишланган семинар ўтказилди.



Норин туманидаги "Рустамова Зеби-ниса" фермер хўжалиги пиллачилари режадаги 750 килограмм ўрнига 1050 килограмм пилла етиштириб, бу борадаги кўрсаткични 140 фоизга бажардилар. Етиштирилган ҳосил-нинг асосий қисми юқори нави-ни санаят маҳсулотли бўлиб, айни пайтда урултиққа қабул қилинганлиги кўпчилигининг эътиборини қозонди.



Халқ сайллари, тўй-ҳашам ва бай-рамларда севиб ижро этиладиган қадимий лапар, ўлан, айтишув каби халқ оғзаки ижоди дурдоналари барча даврларда ҳам ўз қадр-қимма-тини йўқотмайди. Бугунги кунда ҳам фольклор этнографик халқ дастлари томонидан бу санъат дурдоналари-нинг севиб ижро этиб келинаётгани фикримизнинг яққол исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ ШУНДАЙ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, рес-публикамизда Кадрлар тайёр-лаш миллий дастурига муво-фиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун олий маълумотли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими вужудга келтирилган. Бунинг натижасида ҳозир-ги вақтда мамлакатимизда-ги 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасала-рида 214 та талаб этилаёт-ган йўналишлар ва мутахас-сисликлар бўйича 115,8 минг нафар педагог ходимлар кадрлар тайёрлашни амалга оширмоқдалар, уларнинг 90,6 фоизи олий маълумот-га эга, ўқитувчи кадрларнинг 70 фоиздан кўпроги 40 ёшга-ча бўлган юқори малакали мутахассислардир.

Шу билан бирга, махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар на-тижасида аниқланганича, касб-хунар коллежлари ҳам-да академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадр-ларини танлаш тизимида, аввало, уларнинг мала-каси етарли эмаслиги ҳамда қўйилган талабларга му-вофиқ эмаслиги билан бо-лиқ жиддий камчилик ва ну-қсонлар мавжуд.

Касб-хунар коллежларини ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш ташкилатлари билан таъ-минлаш усталири билан таъ-минлаш кўп жиҳатдан уларнинг тегишли базавий тайёрлиги-ни, педагогик ва амалий иш тажрибаси мавжудлигини ҳисобга олмасдан расмий ра-вишда амалга оширилмоқда.

Натижада ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими-да ўқув жараёни тегишли даражада ташкил қилинмаган, машғулотлар асосан анъана-вий мактаб таълими услубла-рига таянган ҳолда ўтказил-моқда. Замонавий илгор пе-дагогик ва янги компьютер, ахборот-коммуникация техно-логийлари, шу жумладан, Ин-тернет таълим жараёнига су-ст жорий этилмоқда. Касб-хунар коллежларини ҳорижий тиллардан дарс берувчи ма-лакали мутахассислар билан таъминлашга етарлича эъти-бор берилмаганди.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳ-барлар таркибини педагогик иш соҳасида етарлича тажри-бага эга бўлган касб маҳора-ти юқори мутахассислар би-лан янада мустаҳкамлаш та-лаб этилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакаси-ни ошириш борасида таркиб топган тизим замон талаб-ларига жавоб бермапти.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун ил-гор педагогик ва ахборот-ком-муникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргар-ликка эга, замонавий фикр-ловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизи-мини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талаб-ларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тай-ёрлаш ва малакасини оши-риш тизимини янада тако-миллаштириш мақсадда:

1. Ўзбекистон Республика-си Олий ва ўрта махсус таъ-

лим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда махсус комис-сиялар томонидан ўтказил-ган текширишлар давомида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг фа-олиятида аниқланган камчи-ликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбир-ларни амалга ошириш, уларни касбий тайёргарлик-ка эга, замонавий фикрлов-чи кадрлар билан таъмин-лашга, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация тех-нологияларини таълим жа-раёнига кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Қўрилган чора-тадбир-ларнинг натижалари тўғри-сида 1 сентябрга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига маъ-лумот берилсин.

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бош-қарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайин-лаш ва аттестациядан ўтка-зиш бўйича Республика ком-миссиясининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бош-қарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайин-лаш ва аттестациядан ўтка-зиш бўйича Республика ком-миссияси (Ш.М.Мирзиев) Ўрта махсус, касб-хунар таъ-лими маркази, Қорақалпо-ғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-лари билан биргаликда икки ой муддатда касб-хунар коллежларининг раҳ-бар кадрлар билан таъмин-ланганлигини танқидий кўриб чиқсин, ушбу масала-да ишларни тегишли дара-жада ташкил этилишини таъминламаган шахсларни жавобгарликка торти-син ҳамда коллежларнинг раҳ-барлар таркибини етарлича педагогик иш тажрибасига эга бўлган касб жиҳатдан тайёрланган мутахассислар билан мустаҳкамлаш бўйи-ча аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 августга қадар ва 2012 йил якунлари бўйи-ча Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Амалидаги қонун ҳуж-жатлари бўйича ўрнатилган тартибга қўра, касб-хунар коллежлари ва академик ли-цейларнинг директорлари икки йилда бир марта, ўқитувчи кадрлар эса ҳар уч йилда камида бир марта ат-тестациядан ўтказилишлари кераклиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда, икки ой муддатда ўрта махсус, касб-хунар таъ-лими муассасаларининг ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталири аттестациядан ўтказиш ҳамда малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги

Низомни танқидий қайта кўриб чиқсин ва ўзгартириш-лар киритсин. Бунда ўқитув-чилар таркибининг компью-тер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияла-ридан, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши мажбурий эканлигига алоҳи-да эътибор қаратилсин.

5. Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта мах-сус, касб-хунар таълими маркази:

таълим жараёнида илгор педагогик услуб ва техноло-гиялари ("case study" услуби, лойиҳалар услуби, ҳам-корликда ўқитиш, "амалий ўйин", интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахбор-от-коммуникация техноло-гиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдиротларидан фойдала-ниш борасида чет эл тажри-басини чуқур ва ҳар томон-лама ўрганиб чиқсин;

чет эл тажрибасини ино-батга олган ҳолда, уч ой му-датда касб-хунар коллежла-ри ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан иш-лаб чиқсин ҳамда белгилан-ган тартибда тасдиқласин, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз-кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиё-ти бўйича соатлар қўлайти-рилишини назарда тутсин;

икки ой муддатда касб-хунар коллежлари ва акаде-мик лицейларнинг таълим жараёнига илгор педагогик ахборот-коммуникация тех-нологияларини кенг қўлам-да жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тас-диқласин.

Вазирлик, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва унинг ҳудудий тузил-маларининг раҳбарлари мазкур чора-тадбирлар амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлишлар-ни тўғрисида қаттиқ огоҳ-лантирилсин.

6. Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тармоқ (базавий) касб-хунар коллежлари ҳузу-рида ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-комму-никация воситаларини қўллаш асосида илгор педа-гогик технологияларни эгал-лашлари бўйича доимий фаолият юритадиган семинарларни ташкил қилсин.

Ушбу семинарларни ўтказиш учун мазкур технология-ларни эгаллаган мутахассис-ларни штат асосида тақлиф қилишга руҳлат берилсин.

Ўзбекистон Республика-си Олий ва ўрта махсус таъ-лим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази вазирлик ва марказнинг мансабдор шахслари, олий ўқув юрталарининг етакчи ўқитувчилари ичидан ушбу семинарларни ўтказиш учун масъул шахсларни бирикти-риб қўйсин, семинар ишини мунтазам назорат қилиб борсин, зарур ўқув-услубий ёрдам кўрсатсин.

(Давоми 2-саҳифада)

ИХЧАМ, ЗАМОНАВИЙ ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да еттинчи "Uzbekistan Agrominitech Expo-2012" — қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослашган кўргазма-савдоси фаолият бошлади



Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-санаят палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазма-савдода Германия, Хитой, Исроил, Италия, Польша, Франция каби 30 мамлакатдан қарийб икки юз йигирмадан ортққ фирма ва компания ўз маҳсу-лотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросими-да таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан 2006 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур тадбир мамлакатимиз фермер ва тадбиркорлари учун замонавий техно-логиялар билан танишиш, танлаш ва хариб қилиш имкониятини ярат-моқда. Ўтган кўргазма-савдолар на-тижаларига эътибор қаратинг. Уму-мий қиймати 135,5 миллиард сўмга тенг 2258 лойиҳа амалга оширилди.



техника ва технологияни олиб келишга муваффақ бўлишди.

Бугунги даврда, айниқса, дунё-нинг кўплаб давлатларида сезилёт-ган озик-овқат танқислиги шароити-да, мамлакатимизда қишлоқ хўжали-ги ҳосилдорлигини ошириш, қайта ишлашни ривожлантиришга қарати-лаётган эътибор низоҳатда катта аҳамиятга эга.

Кўргазманинг бу галгисиде ана шундан келиб чиқиб ёндашилган. Бунинг кўргазма йўналишларида қараб чиқамиз. Мана, мева-сабзавот, гўшт ва сут, ун ва омикта ем, боғдорчи-лик ва узумчилик маҳсулотлари иш-лаб чиқариш ҳажмини ҳамда сифа-тини оширувчи технологиялар. Ушбу соҳа ривожланган давлатлар компа-ниялари интенсив технология асо-сида боғ яратиш технологиясини мамлакатимиз фермерларига тақ-лиф этмоқда. Албатта, боғдорчи-ликда катта тажрибага эга боғбон-ларимиз уларнинг тажрибаси билан ўртоқлашапти. Ўрганипти, керакли технологияларни хариб қияпти.

— Ҳар йили ушбу кўргазмада иштирок этман, — дейди Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Учун" фермер хўжалиги раҳбари Абду-қаҳор Гафоров. — Бу бизга янгилик билан танишиш имконини бе-ради. Ўтган йилларда ҳайдош тракторига ишқибоз бўлиб, уни олган-дик. Бу йил мана бу "Беларусь" плу-гиға ҳавас қилиб турибман. Умуман олганда, жуда яхши тадбир бўляпти. Дунёқарашимиз кенгайишига, замон билан ҳамнафас бўлишимиз-га хизмат қияпти, бу тадбир.

(Давоми 2-саҳифада)

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” МАДАНИЯТСИЗЛИКДИР

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асослари-ни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юрта муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Миллий мат-буот марказида Республика Маънавий тарғибот маркази томонидан "Миллий қад-риятларимизни асраб-авайлаш, "оммавий маданият" ва унинг таъдидини бартараф этиш бўйича амалга ошири-лаётган чора-тадбирлар" мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз юритилди.

Унда Республика Маъна-вий тарғибот маркази раҳба-ри Ф.Мирзоев ва бошқалар

замонавий тарғибот усулла-ри, ахборот технологиялар-дан кенг фойдаланиш маъна-вий-маърифий тарғибот тизи-ми олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Мам-лакатимизда амалга ошири-лаётган илчил ишловларнинг марказида инсон ва унинг бахт-саодати, фаровонлиги, маънавий камолоти туради.

Аслида, истиқлол арафаси ва мустақиллик йиллари мо-байнида изчиллик билан, ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосланган ҳолда қатъий ил-гари сурилиб келинаётган бу ўқир фикр ва ғоялар ҳозирги мураккаб ҳамда таҳликали за-монда ёшларимизнинг қўзғи-чишига, юртдошларимизнинг мафқуравий иммунитетини янада мустаҳкамлашга хизмат

қилиб келмоқда. Бинобарин, маънавий-маърифий ишлар-ни замон талаблари асоси-да ташкил этиш, ёшларимиз-ни турли мафқуравий ҳуруж-лардан ҳимоя қилиш, юрт-дошларимизнинг ҳаётта он-ли муносабатини шакллан-тириш, ён-атрофда юз бера-ётган воқеаларга далолатдорлик ҳиссини ошириш, мамлака-тимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга ҳавф туғдириши мумкин бўлган қўлларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Тадбир доирасида ташкил этилган, миллий қадриятла-римиз, урф-одатларимиз, кийиниш маданиятининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирган миллий ўйинчоқ ва кўйирчоқлардан ташкил этил-ган кўргазма барчада илиқ таассурот қолдирди.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Жартепа қишлоқ фуқаролар йиғини Мўғол маҳалласида яшов-чи фуқаро Эркин Арслонов "Самат ота" тўйхонасида аҳолига хизмат кўрсатишда йўл қўйилган кам-чиликлар тўғрисида тахририяти-мизга шикоят хати йўллаган эди.

Яқинда Ургут тумани ҳокими ўринбосари Ф.Мадамов имзоси билан мазкур шикоят юзасидан жавоб хати олдиқ. Унда, жумла-дан, шундай деб ёзулади: "...аҳолига хизмат кўрсатиш-да йўл қўйган хато-камчилик-лари учун корхона раҳбари энг кам ойлик иш ҳақининг 5 ба-робари миқдоринда жаримага тортилди. Корхона раҳбарияти-га тўйхонадаги мавжуд камчи-ликларни бартараф этиш юза-сидан ёзма кўрсатма ва топши-риқлар акс эттирилган санита-рия талабномаси берилди..."

Анжикон Вилояти

Избоскан туманидаги "Насибжон" фермер хўжалиги тасарруфиде 35 гектар бог мавжуд. Мазкур хўжаликда ўтган йили мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган маъсулети чекланган жамият ташкил этилди.

ҚИШЛОҚДА ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАСИ

— Банкдан олинган 40 мил-лион сўмлик кредит ҳисоби-га ушбу жамият фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди хўжа-лик раҳбари Насибжон Қўчқо-ров. — Замонавий технология асосида шарбат ишлаб чи-қармоқдамиз. Маҳсулотимизга талаб ошиб бормоқда. Айни пайтда корхонада туман боғбон ва фермерла-ри томонидан етиштирила-ётган мева-сабзавот қайта ишланиб, тайёрланган си-фатли, табиий соф шарбат-лар 1-2 литрли идишларга қадокланмоқда. Ўн нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада ойига 25-30 минг донга қадокланган маҳ-сулот ишлаб чиқарилмоқда. Маълумотларга қўра, жо-рий йил мобайнида вилоят-даги 140 фермер хўжалиги қошида шундай ишлаб чиқа-риш объектларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ ШУНДАЙ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари томонидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси ва сифати устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги билан бир қаторда, уларнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни эгаллашларига, педагогик амалиётни коллежлар ва лицейларда мажбурий равишда ўқишларига алоҳида эътибор қаратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 1 сентябрдан бошлаб касб-хунар коллежлари ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларини, малака тоифаларига қараб, касб-хунар коллежлари тегишли малака тоифаларидаги ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларига тенглаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳоли-

ни ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги мавжуд Низомга ҳамда касб-хунар коллежи, ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкалари миқдорларига тегишли ўзгаришлар киритсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда, икки ой муддатда, касб-хунар коллежларини ўқув-амалий машғулотларини ўтказиш учун сарфланган материаллар ҳамда зарур хомашё билан таъминлаш меъёри ва механизминини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга ихтисослашган олий таълим муассасалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта

махсус, касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти зиммасига касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ягона меъёрий-услубий базани ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилиш юзасидан бош муассаса вазифаси юқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги Низомни;

ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг янгиланган тизимини тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012 йилги Давлат бюджетидан назарда тутилган маблағлар доирасида, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизи-

мининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти керакли мебель, замонавий ўқув ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаган ҳолда унинг 450 ўринли ўқув биносини ва 150 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш учун бюджетдан етарли маблағлар ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида" 2005 йил 28 февралдаги Ф-2146-сон фармойиши 2-бандининг иккинчи хатбоши ва унинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,

2012 йил 28 май

Наманган Вилояти

▼ "ПИЛЛА — 2012"

ҲАЛОВАТСИЗ, БИРОҚ ЗАВҚУ ШАВҚҚА ТЎЛА ЖАРАЁН

Норин туманидаги "Рустамова Зебиниса" фермер хўжалиги пиллачилари режадаги 750 килограмм ўрнига 1050 килограмм пилла етиштириб, бу борадаги кўрсаткични 140 фоизга бажардилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навои сановат маҳсулоти бўлиб, айни пайтда уруғликка қабул қилинганлиги кўпчилигининг эътиборини қозонди. Айни кунларда тумандаги бошқа фермер хўжаликларида ҳам пилла териш мавсуми қизини паллага кирган.

— Жорий йил пилла етиштириш юзасидан туманимиздаги 174 та фермер ва деҳқон хўжаликлари билан шартномалар тузилди, — дейди "Норин бош пиллаҳонаси" МЧК раиси Раҳбарий Явминова. — Аввало, мавсум бошидан пилла етиштириш агротехника қоидаларига қатъий амал қилинганлиги, айниқса, 4850 кути ипак курти уруғини сифатли жонлантиришга жиддий эътибор қаратилганлиги ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Айни дамларда пиллаҳонамизда маҳсулот қабул қилиш билан бирга етиштирилган ҳосилни қуритиш жараёни олиб боришмоқда.

— Президентимиз фармони билан туманимиздан Муборак Иномжоновна "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи" унвонига сазовор бўлган, — дейди "Ўққўғон бош пиллаҳонаси" МЧК раиси Рустамжон Идрисов. — Пиллачи оламизнинг бундай эътирофга сазовор бўлиши бизларни тўқинлантириб, янги марралар сани чорлаб туради. Жорий йилда 273 тонна пилла хирмони яратишга аҳд қилдик ва туманимиздаги 321 та фермер хўжаликлари билан ўзaro шартномалар туздик. Халимхон Курбонова, Саидхон Сотимқулова, Зулхумор Охунова каби пиллачилар туманимизда би-

ринчилардан бўлиб пилла етиштириш режаларини бажардилар.

"Уйчи кумуш толаси" МЧК раиси Давлатали Маматалиевни Уйчи қишлоқ



фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи миршкор пиллачи Тўраевлар хонадониде учратдик. Мазкур хонадон ағалари бу йил ҳар йилгидан кўра кўп, айни пайтда сифатли пилла хирмони яратишди.

Уйчиликлар жорий йилда 307,5 тонна пилла етиштиришга астойдил бел боғлашган. Давлатали Маматалиевнинг

таъкидлашича, туман бўйича жами 312 та фермер ва деҳқон хўжаликлари билан шартномалар имзоланган. Айни кунларда пилла териш мавсуми авж олдирилиб, қўзланган маррани забот этаётган пиллачилар сони ортиб бораётди.

— Вилотимиз бўйича 2645 тонна пилла етиштириш режаси белгиланган, — дейди вилот пилла бирлашмаси раиси Абдусаттор Оминов. — Пилла ҳосили деҳқончиликдаги илк ҳосил ҳисобланади. Пилла режасининг ортиги билан ба-

жарилиши кейинги деҳқончилик ишларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шу боис, бу йил мавжуд 47 минг 505 кути ипак курти уруғидан ўртача 56 килограммдан сифатли сановат хомашёси етиштиришни мақсад қилганмиз.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАСИ

ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА



Нарпай туманида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки томонидан "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида касб-хунар таълими муассасаларини битирётган ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорликларини йўлга қўйишга кўмаклашишга бағишланган семинар ўтказилди.

— Бугунги кунда меҳнат бозорига қараб келаётган ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш банкимиз фаолиятининг асосий мезонларидан бирига айланган, — деди анжуманда иштирок этган "Микрокредитбанк" ОАТБ бошқаруви раиси Ж.Сайфиддинов. — Ўтказилаётган лойиҳадан кўзланган мақсад ҳам жойлардаги касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ёшларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борадаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси борада ушбу молия муассасаси томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада банк томонидан олиб борилган кенг қўламли ижобий ишлар самараси яқинда

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари бўйича "BankExpo — 2012" миллий кўргазмасида ҳам муносиб баҳоланди. Яъни "Микрокредитбанк" ОАТБ тадбир доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинациясида ғолиб деб топилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳам банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, йил давомида бу соҳага кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажми 202,8 миллиард сўмга етказилиши кўзланган. Йилнинг биринчи чораги якунига кўра молия муассасаси томонидан соҳа субъектларига жами 72,8 миллиард сўм миқдориде турли

ИКЧАМ, ЗАМОНАВИЙ ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

(Боши 1-саҳифада)

Ҳаммамизга маълумки, қайта ишлаш хомашёга нисбатан икки барабар кўп фойда келтиради. Қайта ишлаш, қадоқлаш йўналишида иштирокчиларнинг қўлиги ҳам соҳага қизиқинишнинг тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Сирдарё вилоти Боёвут туманидаги "Хасанбой Ахтам" фермер хўжалиги раҳбари Назокат Норқўжаевани "TRIT" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома имзолаётган пайтда учратдик.

— Ҳўжалигимиз асосан пахта ва галлачиликка ихтисослашган, — дейди фермер. — Аммо қайта ишлашни йўлга қўйишни режалаштириб юрдим. 2009 йили ушбу кўргазмада иштирок этдик. Нон ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олдик. Ишимиз яхши юришиб кетди. Бугун макарон ишлаб чиқариш технологиясини олиш учун шартнома имзоладик.

Кўргазма ўсимликлар ҳимояси учун кимёвий препаратлар, ветеринария, қоракўчилик ва чармин қайта ишлаш бўйича минитехника ва мини-ускуналар каби қўллаб йўна-

лишларни қамраб олган. Шунингдек, иштирокчиларга қўлай шароит яратиш мақсадида республикамизнинг банк ва лизинг компанияларидан вакиллар иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, кўргазма доирасида мамлакатимиз фермер хўжаликлари, агрофирма ва кичик корхоналарнинг хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ўзарo манфатли ҳамкорлигини янада ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор махсус семинарлар ўтказилиб, илгор технологиялар ва замонавий ускуналар тақдими бўлиб ўтмоқда.

Кўргазма-савдонинг биринчи иш кунини муваффақиятли ўтди. Иштирокчилар танишди, танлашди, янги ҳамкорлар топилди. Янгиланган, илгор тажриба ва технологияларни, уларнинг самарадорлигини кўришди.

Кўргазма-савдонинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

Анвар КУЛМУРОВОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА


САРМОЯЛАР ИҚТИСОДИЁТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРМОҚДА

Мамлакатимиз молия-банк тизимини барқарор ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Уларнинг амалий самараси банклар фаолиятида намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда молия муассасалари томонидан аграр соҳани тараққий эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини, шу жумладан, фермер хўжаликлари ҳамда истиқболли тармоқларни ривожлантиришга кредитлар ажратилмоқда. Сармоялар эвазига қўллаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

"Агробанк" ОАТБнинг Навоий вилоти бошқармаси раҳбарлигида вилотда банкнинг 8 та филиали ва 9 та минибанки орқали саккиз мингдан зиёд миқозда турли хилдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Яқинда ана шундай миқозлардан бири молия муассасасининг сармоясидан баҳраманд бўлди.

— Рангли бўёқлар ишлаб чиқариш учун кредит сўраб банкка мурожаат қилдик, — дейди "Махмуд бобо Собиров" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳматилло Собиров. — Банк бизнес лойиҳамизни қўриб қикди ва 150 миллион сўм кредит ажратди. Кредит эвазига 11 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, иш ўринларини қўлайтирмоқчимиз. Бунда ҳам банк мададига сўнамиз.

Молия муассасаси томонидан




ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Шундан қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга 10 миллиард 456 миллион сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 1 миллиард 526 миллион сўм, савдо корхоналарига 977 миллион сўм, техника ва таъминот ташкилотларига 1 миллиард 236 миллион сўм йўналтирилди.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг техника базасини яхшилаш ва фермерларнинг қўшимча истиқболли тармоқларини янада ривожлантириш учун банк молиявий кўмак бериб келаётди. Жорий йилнинг ўтган

даврида барча филиаллар томонидан фермер хўжаликлари 1 миллиард 173 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Ажратилган маблағлар қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишга, чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик соҳаларини ривожлантиришга, интенсив боғлар, иссиқхоналар ташкил этишга йўналтирилди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросидан келиб чиқиб, юртимизда оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлигини яхшилаш борада ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Банк филиаллари томонидан аҳолига истеъмол ва ипотека кредитлари ажратиб келинмоқда. Шунингдек, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида ҳам сармоялар ажратилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлаш таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармони асосида молия муассасаси томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида 6 та иқтисодий



ночор корхонага 2 миллиард 695 миллион сўм кредитлар ажратилди. Натижада 150 дан ортқ иш ўрни яратилди. Айни пайтда бу ердаги корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулотлар сифати яхшиланимоқда. Шунингдек, Навоий шаҳридаги "Зарафшон пахта сервис" масъулияти чекланган жамиятига калава ип ишлаб чиқариш учун 100 миллион сўм, Кониш туманидаги "Кристал пропан" МЧЖда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишга 100 миллион сўм,

"Горняк извест" МЧЖда оҳак ишлаб чиқариш мақсадида ускуналар сотиб олишга 600 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Сармоялар ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратилди.

Умуман олганда, банкнинг вилот бошқармаси томонидан йўналтирилаётган кредитлар ҳудуд иқтисодиётининг барқарорлигини ҳамда аҳоли фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Озод ОЧИЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Хоразм Вилояти

Ҳазорасп туманида 2012 йилда 102 та хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш режалаштирилган бўлиб, шу кунгача ишга туширилган 31 та объектда 115 нафар киши иш билан таъминланди.

БЕШТА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

"Сулаймон қалъа" савдо хизмати кўрсатиш ва сервис мажмуаси яқинда ўз фаолиятини бошлаган корхоналардан бири. 14 та дўкандан иборат маъмур савдо ва сервис хизмати кўрсатиш корхонасида юртдошларимизнинг озик-овқат, уй-рўзғор буюмлари ва ҳўжалик молларини сотиб олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир савдо дўконида назорат-касса машиналари, терминал аппаратлари ишлаб турибди.

Дилмурод Ибодуллоев раҳбарлик қилаётган "Ферузбек Бехрузбек сервис" масъулияти чекланган жамиятига қарашли стоматология клиниксининг иш бошлагани ҳазораспликлар учун яна бир қўлайлик яратди. Янги қурилган биного 80 миллион сўмлик ускуна ва жиҳозлар ўрнатилди, 5 нафар киши янги иш ўрнига эга бўлди. Шунингдек, "Биодент" масъулияти чекланган жамиятига қарашли стоматология клиниксининг иш бошлагани ҳазораспликлар учун яна бир қўлайлик яратди. Янги қурилган бинонинг кенг ва шинам хоналари энг сўнгги русумдаги тиш даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб, зарур дори-дармонлар билан таъминланди.

Куронбой Машарипов бош бўлган, 15 нафар малакали тиббиёт ходимлари иш бошлаган "Ташхис маркази", тадбиркор Юсуфбой Матрасулов томонидан барпо қилиниб, 5 нафар киши иш билан таъминланган озик-овқат дўконининг очилиши ҳам туман аҳолисига хушудлик бахш этди. Туманда бундай бунёдкорлик ишларининг қўламини кун сайин ортиб бормоқда.

Холмурод КУРБОНОВ



«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING XUDUDIIY FIILIALINING BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICIK BIZNES VAJIKILLARI HAMDA XUSUSIIY TADBIRKORLARNI OCHIK TANLOV SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI!

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ TANLOV SAVDOLARIGA

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар ҳокимининг 2012 йил 18 майдаги 240-сонли қарорига асосан ва 2012 йил 21 майдаги 7/203-сонли алоқа хатига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи очик танловга қўйилмоқда:

1. Савдо ва маийш хизмат кўрсатиш мажмуаси куриш учун Чирчиқ шаҳар, П.Юсупов кўчаси ҳудудидида жойлашган 1 донa, 0,20 га. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 576 800 сўм. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб икки йил муддатда амалга оширилиши лозим.

2. Маийш хизмат кўрсатиш мажмуаси куриш учун Чирчиқ шаҳар, 10-кичиқ ноҳия, Чирчиқ 50 йиллиги шох кўчаси ҳудудидида жойлашган, 1 донa, 0,10 га, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 639 000 сўм.

Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб икки йил муддатда амалга оширилиши лозим.

3. Маийш хизмат кўрсатиш мажмуаси куриш учун Чирчиқ шаҳар, Чирчиқ 50 йиллиги шох кўчаси ҳудудидида жойлашган, 1 донa, 0,20 га, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 278 000 сўм.

Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб икки йил муддатда амалга оширилиши лозим.

4. Аҳолига маийш хизмат кўрсатиш мажмуаси куриш учун Чирчиқ шаҳар, Заковат кўчаси ҳудудидида жойлашган, 1 донa, 0,02 га, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 142 800 сўм.

Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб икки йил муддатда амалга оширилиши лозим.

5. Маданий-маийш хизмат кўрсатиш мажмуаси куриш учун Чирчиқ шаҳар, 8-кичиқ ноҳия, Чирчиқ 50 йиллиги ва М.Бобир шох кўчалари кесилиши ҳудудидида жойлашган, 1 донa, 0,10 га, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 714 000 сўм.

Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб икки йил муддатда амалга оширилиши лозим.

6. Маийш хизмат кўрсатиш мажмуаси куриш учун Чирчиқ шаҳар, А.Навоий шох кўчаси, шаҳар МХХ биноси ёнида жойлашган, 1 донa, 0,025 га, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 278 000 сўм.

Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб икки йил муддатда амалга оширилиши лозим.

Мажбуриятларини бошлангич ҳажми Чирчиқ шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 25 июнь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридида закатлини закатла келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги биносидида 2012 йил 26 июнь куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 26 июнь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносидида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юридадаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 26 июнидаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такорорий танлов савдо-соти 2012 йил 11 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такорорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2012 йил 10 июль куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такорорий танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги биносидида 2012 йил 11 июль куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 11 июль куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносидида танлов голиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

